

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR


DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО  
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО  
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ  
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО  
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО  
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

**LEV TOLSTOY**  
(1828-1910)



**ОКТЯБРЬ**

**№45**



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz  
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
3-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-3**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-3**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР**

<b>1. Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович</b> АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ- ДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎРНИ .....	7
<b>2. Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН .....	9
<b>3. Холлиев Азизбек Гўзалович</b> РОССИЯДА «МАККОРМИК» ФИРМАСИ ФАОЛИЯТИ (XIX АСРНИНГ ОХИРИГИ ЧО- РАГИ –XX АСР БОШИ) .....	11



## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎРНИ

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Телефон: +99893 442-52-00

Abduraxmon777@umail.uz

***Аннотатсия:** Мақолада Андижон вилояти қишлоқларида тадбиркорларга берилаётган имкониятлар ва улар томонидан янги иш ўринларини яратилиши қисман таҳлил қилинган*  
***Таянч сўз ва иборалар:** Қишлоқ, қишлоқ аҳолиси, янги иш ўринлари, тадбиркорлик.*

Ўтиш даврининг энг муҳим муаммоларидан бири ишсизлик муаммоси эди. Ишсизлик бозор иқтисодиёти шароитида табиий ҳол ҳисобланади. Истиклол арафасида аҳоли бандлигини таъминлашга, демографик жараёнга эътиборсизлик билан қаралиши республикада, айниқса, водий вилоятлари жумладан, Андижонда меҳнат ресурсларнинг ўсишига ва ишсизликнинг йилдан-йилга ортишига олиб келди. Мамлакатда юз берган иқтисодий тушкунлик оқибатида ишсизликнинг янада авж олиш хавфи пайдо бўлди [1]. Шу йиллардан бошлаб давлат ишсизликни расман тан олди. Ишсизлар рўйхатга олиниб, уларга ишсизлик мақоми берилди бошланди, улар учун меҳнат бозорлари орқали иш кидирилди, вақтинчалик нафақалар белгиланди.

Ўз ўрнида, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Андижон вилояти қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масаласида хусусий тадбиркорларнинг ўрни каттадир. Сўнги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши натижасида деярли ҳар бир қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган ишбилармонлар топилади. Ашашундай инсонлар қаторига Ортиқали Хусанов, Отабек Комилов ва Рустам Қўчқоровларни киритишимиз мумкин.

Андижон вилояти Марҳамат тумани Марҳамат қишлоғида истиқомат қилувчи “Турон ўқувчи ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш маркази” директори, халқ депутатлари Марҳамат тумани кенгаши депутати, Ортиқали Хусанов асли касби педагог, рус-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Тиниб тинчимаган бу инсонни нафақат туман, вилоят, балки республикада ҳам яхши билишади. Сабаби ўзи 2 гуруҳ ногирони бўлишига қарамай Марҳамат тумани марказидаги қаровсиз жойда Маънавият боғи, бепул кутубхона ва ўқув маркази ташкил этган.

Унинг сўзларига кўра тадбиркорлик фаолиятини дастлаб 1995 йилда мактаб биносида бошлаган. Меҳнат дарсида ўқувчиларга ҳақ тўлаш эвазига тикувчилик, тўкувчилик ва дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаган. У вақтларда тадбиркор деган атама бўлмаган бундай иш билан шуғулланган одамларга “чайқовчи” деб ном берилган. Хаттоки, уларга нисбатан оила аъзолари ва яқинлари ҳам бошқача муомалада бўлган. Дастлабки даврларда 2-3 киши билан иш бошлаган бўлсам бугунги кунга келиб, ишчилар сони 30 нафардан ортиб кетди. Улар асосан, ўқув марказида, компьютер курсларида ва кутубхонада фаолият юритадилар. Мен кўпроқ ногиронларни иш билан таъминлашни маъқул кўраман. Чунки улар ҳам инсон уларда соғлом одамларга нисбатан ўзига бўлган ишонч кучлироқ бўлади. Масалан ҳаётимизга компьютер технологиялари кириб кела бошлаган дастлабки даврларда бир кўли йўқ қизча (исмини ошкор қилишни истамасан) ўқув марказимизга кириб келди ва компьютерда Word, Excel, Power point каби дастурларни ўрганиш истаги борлигини айтди. Биз уни ўқитиб, мутахассис сифатида сертификат бердик. Ҳозирда у қиз



бир ташкилотда котиба иш юритувчи лавозимида фаолият юритмоқда. Бундайлар сони жуда ҳам кўп мен сизга битта мисол келтирдим ҳолос, дейди суҳбатдошимиз[2].

Яна бир 47 ёшли тадбиркор Андижон вилояти Жалақудуқ туманида истиқомат қилувчи Комилов Отабек Одилович ўзининг яшаш хонадонидида тикув тиркотаж цехи ташкил қилган. Цехда асосан маҳаллий бозорга мавсумга қараб, кўйлак, шим, камзул, куртка, палто каби кийим кечаклар тикилади. Тадбиркор дастлаб 5 та тикув машинаси билан фаолият бошлаган бўлиб, бугунги кунда унинг сони 30 дан ортиб кетган. Шунингдек, қишлоқ хотин-қизларининг 40 нафарини доимий иш жойи билан таъминлаган[3].

Андижон тумани Орол қишлоқидида истиқомат қилувчи фуқаро Қўчқоров Рустам Қурбоналиевич эса тадбиркорликни бошлаш мақсадида 2012 йилда пишган ғишт ишлаб чиқариш заводини ишга тушурган. 1 та 24x24 ўлчамли ҳумдон ва 20 нафар ишчи билан фаолият бошлаган тадбиркор, бугунги кунга келиб 80 нафар қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаган. Заводда 1992 йилда йилига 1 млн дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, 2 та 48x48 ўлчамли ҳумдонда пиширилган ғиштлар сони 2020 йилга келиб, 20 млн донага етган[4].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, истиқлол йилларида Фарғона водийси жумладан Андижон вилояти қишлоқларида яқка тартибдаги тадбиркорлага кенг йўл ва имкониятлар эшиги очилди. Хусусий тадбиркорлар томонидан қишлоқларда завод ва фабрикалар ишлаб чиқариш цехлари ишга тушурилиб, янги иш ўринлари яратилди. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, кўплаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Доклад о человеческом развитии. – Ташкент: Узбекистан, 2005.
2. Оғзаки суҳбат: «Турон ўқувчи ёшлар ва ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш маркази» директори, халқ депутатлари Марҳамат тумани кенгаши депутати, Ортиқали Хусановдан 2022 йил 22 январда ёзиб олган.
3. Оғзаки суҳбат: Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Тешиктош қишлоғида яшовчи тадбиркор Комилов Отабек Одиловичдан 2022 йил 23 ёзиб олган.
4. Оғзаки суҳбат: Андижон вилояти, Андижон тумани, Орол қишлоғида яшовчи тадбиркор Қўчқоров Рустам Қурбоналиевичдан 2022 йил 24 январда ёзиб олинган.



## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН

Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович

Андижон давлат тиббиёт институти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Телефон: +99893 442-52-00

Abduraxmon777@umail.uz,

*Аннотатсия:* Мақолада водий вилоятлари қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, демографик жараёнлар, аҳоли сонини ўсиш динамикаси каби масалалар ёритилган.

*Таянч сўз ва иборалар:* Фарғона водийси, демографик вазият, урбанизация кўрсаткичлари.

Мамлакатда 1989 йилги аҳолини хатловдан ўтказиш натижаларига кўра, республика қишлоқ аҳолисининг 45,3 фоизини колхозчилар, 38,7 фоизини совхоз ишчилари ташкил этган бўлса, 16 фоизи саноат, хизмат кўрсатиш, давлат ташкилотлари ҳамда бошқарув соҳаларида хизмат қилган[1]. 1991 йилда мамлакат аҳолисининг 59,5 фоизи қишлоқларда истиқомат қилган. Бу кўрсаткич 2004 йилда 63 фоизни ташкил этган[2].

Маълумки, мамлакатнинг бошқа ҳудудлари орасида Фарғона водийси қулай табиий-географик шароити ҳамда мўтадил иклими билан ажралиб туради. Хусусан, XX аср охири–XXI аср бошларига келиб Фарғона водийси вилоятларида шаклланган ижтимоий-демографик хусусиятлар куйидагиларда намоён бўлди: республика ер майдонининг 4,3 фоизни эгаллаган минтақада мамлакат аҳолисининг деярли 30 фоизга яқини жамланган; умумий майдони 18,2 минг квадрат километр (бундан кейинги ўринларда -км<sup>2</sup>) ташкил этади; шундан, Андижон вилояти 4,2 минг км<sup>2</sup>, Наманган вилояти 7,4 минг км<sup>2</sup>, Фарғона вилояти 6,8 минг км<sup>2</sup> ҳудудни эгаллаган. 1994 йил маълумотларига кўра, 1 км<sup>2</sup> га республика бўйича ўртача 49,6 киши тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда 464,6 нафар, Наманганда 215,1 нафар ва Фарғонада 337,7 нафарни ташкил этган[3]. 2004 йилга келиб, тегишли равишда республика бўйича 57,7 нафарни ташкил этиб, Андижонда 551,2 нафар, Наманганда 275,3 нафар ва Фарғонада 419,6 нафарга тўғри келган[4]. 2013 йилда эса Андижонда 561 нафар, Наманганда 330 нафар ва Фарғонада 460 нафардан иборат бўлди[5].

1998 йилда мазкур ҳудудда истиқомат қилган аҳоли республика аҳолисининг 27,2 фоизини ташкил қилган. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> да 357 кишидан иборат бўлиб, мамлакат кўрсаткичларидан қарийб 7 баробар кўп бўлган. Энг юқори аҳоли зичлиги Андижон вилоятида кузатилиб, 1 км<sup>2</sup> ҳудудга 500 киши тўғри келган. Мазкур вилоят бу борада нафақат Ўзбекистонда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида ҳам етакчи ўринни эгаллаган.

Фарғона водийсида шаклланган ижтимоий-демографик ҳолатни урбанизация кўрсаткичининг пастиги билан боғлиқ, деб айтиш мумкин. Хусусан, Фарғона водийси қадимдан урбанизацион жараёнлар тез ривожланган ҳудуд бўлиб ҳисобланса-да, ҳозирги даврга келиб водий вилоятларида урбанизация кўрсаткичлари республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан паст. Масалан, 1990 йиллар бошларида Ўзбекистонда аҳолининг 39,0 фоиз шаҳарларда истиқомат қилган бўлса, водийда бу кўрсаткич 34,5 фоиздан ортамаган[4].

1993 йил бошида республика бўйича 39,4 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қилган бўлса, водий бўйича бу кўрсаткич ўртача 33,3 фоизга тенг бўлган. Бошқача айтганда, водийнинг мавжуд 5 млн 889 минг аҳолисидан деярли 4 млн нафарга яқини қишлоқларда истиқомат қилган[6]. Вақт ўтиши билан аҳоли сони янада ортиб борган. 2006 йилга келиб водий аҳолисининг 68,9 фоизи қишлоқларда ҳаёт кечирган. Бу кўрсаткич Андижонда 70,5 фоизни, Наманганда 62,8 фоизни ва Фарғонада 71,9 фоизни ташкил этган.

2014 йилга келиб водийда урбанизация кўрсаткичи кескин тарзда ўсди. Хусусан, Андижонда 52,7 фоиз, Наманганда 63,9 фоиз ва Фарғонада 57,2 фоизга қадар кўтарилди. Водий вилоятлари бўйича ўртача 57,9 фоизга тенг бўлди[7].

Фарғона минтақасида ўрганилган даврда демографик вазият мураккаблашди. Фарғона водийси вилоятларида жами 40 та қишлоқ туманлари, 28 та шаҳар ва 391 та шаҳарчалар ва 1 минг 867 та қишлоқлар мавжуд бўлиб, аҳоли сони 2000 йилга келиб водий аҳолисининг умумий сони 6 млн 774 минг 800 киши бўлса, шундан, 4 млн 618 минг 700 нафари қишлоқ жойларида истиқомат қилган. 2020 йилда мавжуд 9 млн 690 минг 500 нафар аҳолидан 4



млн 123 минг 800 нафари қишлоқлар улушига тўғри келган. Юқоридаги рақамлардан шуни кўриш мумкинки, қишлоқ аҳолисининг тадбиркор, ишбилармон ва зиёли вакиллари 2000 йилга нисбатан 2020 йилда кўпроқ шаҳар ҳудудларига бориб жойлашган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда, қолаверса, Фарғона водийси вилоятларида истиқомат қилувчи аҳоли зич жойлашганлиги боис аҳоли турмуш тарзи ва яшаш шароитида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан яққол намоён бўлган. Бу эса ўз навбатида урбанизация жараёнларида ҳам ўз ўз тасдиғини топган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қаҳҳаров М.А. Мустақил Ўзбекистонда қишлоқ ижтимоий- Синфий тузилмасининг ўзгариши ва янги деҳқон типининг шаклланиши: Фал. фан. док. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1997.
2. Абдурахмонов Х. Қишлоқ қариялари, уларнинг демографик ҳолати ва ижтимоий ҳимояси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. № 1. - Б. 38.
3. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик статистика. – Тошкент, 1995.
4. Доклад о человеческом развитии. – Ташкент: Узбекистан, 2005.
5. Андижон вилояти паспорти. – Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари паспорти.
6. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик статистика. – Тошкент, 1995.
7. Хаджамуратова М.Х. Фарғона водийсининг демографик тарихи (1991 – 2006 йй.): Тарих фан. ном. диссертацияси автореферати.



РОССИЯДА «МАККОРМИК» ФИРМАСИ ФАОЛИЯТИ (XIX АСРНИНГ ОХИРИГИ ЧОРАГИ –XX АСР БОШИ)

Холлиев Азизбек Гўзалович  
Ўзбекистон Миллий университети доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада XIX асрнинг охириги чораги –XX аср бошида Россия бозорида қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарадиган “Маккормик”(АҚШ) фирмасининг фаолияти аниқ маълумотлар негизда тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** Россия, қишлоқ хўжалиги техникаси, “Маккормик”, ишлаб чиқариш, ўрим машиналари, компания.

**Abstract:** In this article, the activities of the "McCormick" (USA) company, which manufactures agricultural machinery in the Russian market in the last quarter of the XIX century - the beginning of the XX century, are examined from a historical point of view on the basis of specific data.

**Key words:** Russia, agricultural machinery, "McCormick", production, reapers, company.

XIX асрнинг охириги чорагидан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш Россия учун миллий аҳамиятга эга масалага айланди. Бундай вазиятда ҳукумат такомиллаштирилган хорижий қишлоқ хўжалиги техникасининг Россия бозорига кириб келишини осонлаштириш заруратига дуч келди.

Агар 1900 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси истеъмоли 27,9 миллион рублни ташкил этган бўлса, 1908 йилда - 61,3 миллион, 1913 йилда эса - 109,2 миллион рублни ташкил қилди [6, б.134].

Америка ўрим машиналари Россияда 1850-йилларнинг ўрталарида, «Берджес энд Кей» фирмаси «Маккормик» ўроқларини сотишни бошлаганда ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун лицензияни 1856 йилда Варшаванинг «Эванс и Лильпоп» фирмасига сотганда, пайдо бўлди.

Дж.С. Куиннинг фикрича, “Маккормик” машиналари 1858 йилда Россияга етиб келган [2, б.164].

1870-йилларнинг охирига келиб “Маккормикнинг” аллақачон Москва ва Харьковда агентликларига эга эди ва тез орада Одессада муқим жойлашиб олган унинг доимий вакили Георг А. Фрейденрейхни тайинлади. 1881 йилга келиб агентликлар тармоғи 17-гача кенгайди, аммо кейинги 12 йил ичида у яна 3-гача қисқарди. Трейси исмли янги вакилнинг саъй-ҳаракатлари билан агентликлар тармоғи 1896 йилга келиб 59-гача кўпайди, 1894-1898 йиллар давомида савдо ҳажми ўсиши эса деярли 300% ни ташкил этди [4, б.259].

Шунингдек, 1902 йилда учта энг нуфузли компаниялар “Маккормик”, “Диринг” ва “Милуоки” бирлашиши натижасида «International Harvester» трести ташкил этилди. Трест ташкил этилиши билан ушбу маҳсулотлар жаҳон бозорининг 75 фоиздан ортиғи унинг назорати остига ўтди. Трестнинг барча аъзолари Россия бозорида жами қарийб 2 миллион долларга тенг маҳсулот сотган, шу тариқа унинг эҳтиёжларини тахминан 2/3 қисмини қоплаган.

1907-1908 йилларда «International Harvester» ўзининг Россиядаги бозор тармоғини қайта ташкил этди. Агар 1904 йилда трестнинг 2 шаҳарда 4 бўлими бўлса, 1908 йилга келиб уларнинг сони 9 (7 шаҳарда), 1912 йилга келиб эса 11 етди. Натижада савдо ташкилоти қуйидаги шаклга эга бўлди: Бошқарув - Брюсселдаги Инспекция ва статистика бюроси - трест Шарқий Европа бўлиминининг Москвадаги ваколатхонаси - 11 маҳаллий филиаллар, уларга кўшимча равишда 31 "депо" ва шартнома бўйича ишлайдиган 2876 дилер. 1913 йилда агентларнинг умумий сони 7 мингдан ошди [1, б.155-158].

1909 йилдаги маълумотларга кўра, ҳар йили Россияга чет элдан келтириладиган 110-120 минг дона буғдойбоғлағич, ўроқ, пичанўрғичлари ва хаскашлардан 85 мингтаси компания ҳиссасига тўғри келганди [5, б.135].

Россиядаги савдони амалга ошириш ҳукуматнинг тариф сиёсатига жуда боғлиқ эди ва трест фақат Россияда ишлаб чиқаришни бошлаш орқали тариф муаммоларидан мутлақо кафолатланган бўлар эди; у Москва, Одесса, Ростов-Дон ёки Самарани ўз жойлашуви учун энг яхши вариант деб ҳисобларди.

Россия ҳукумати 1908 йилда қишлоқ хўжалиги саноати эҳтиёжларини муҳокама қилиш



учун идоралараро йиғилиш ўтказиб, биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашга ваъда берди [6, 42-б.].

Бу ҳолатлар компания президенти Сайрус Маккормикнинг 1909 йилда Санкт-Петербургга ташриф буюришига ва ҳукумат аъзолари билан музокара олиб боришига сабаб бўлдики, улар Россияда завод қурилса, тақиқловчи тарифни тиклаш мумкинлигини тасдиқладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳукумат кўпинча маневрлар қилиб, бюджетни тўлдиришни унутмасдан, ё эркин савдо сиёсатига ўтарди ёки протекционистик сиёсатни олиб борарди [3, б.155].

Маккормик яқин келажакда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш заводини жиҳозлашни режалаштирди ва 1911 йилда уларни оммавий ишлаб чиқаришни бошлади. Беш-олти йил ичида талабнинг "нормал" ривожланиши билан компания ҳар йили Россияда 100 мингтагача фақат ўрим-йиғим машинасини сотиши мумкин деб тахмин қилинган.

1910 йилда “Маккормик” компанияси Москва-Қозон темир йўлининг (Москва вилояти) Люберци станцияси яқинида америкалик Томас Пурдега тегишли бўлган тормоз заводини сотиб олди.

1911 йилда сотиб олинган завод ва баъзи янги қурилган цехлар негизида, мойли двигателлари билан бир қаторда, биринчи қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарила бошланди.

Люберци заводининг ҳуқуқий мақоми муҳим масала эди. Россия қонунчилигининг нозик фарқлари ва компаниянинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, 1910 йилда АҚШнинг Мэн штатида «International Harvester Co. in Russia» шўъба компанияси ташкил этилди.

Россиядаги «International Harvester Company in Russia» (“Ўрим машиналарининг Россия халқаро компанияси”) компаниясининг низомида Бош идора Мэн штатида бўлиши ва Портленддаги «Трест Компани» корпорациясида рўйхатдан ўтказилиши кўрсатилганди; Жамиятнинг асосий сармоясига ҳар бирининг номинал қиймати 100 АҚШ доллари бўлган 80.000 та акцияга бўлиниши ва бу акцияларнинг барчаси умумий жамғармани ифодалаш керак эди [7, б.2,6]. Шўъба компанияси, гўё бош компаниянинг “лицензияси остида”, Россияда ишларди ва бунинг учун йилига 150.000 доллар миқдорида пул компенсацияси тўларди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини оммавий ишлаб чиқариш 1911 йил охирида бошланди. Урушдан олдин Маккормикнинг Люберци заводи Россияда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллади. Аввалига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барчаси ҳам сифатли эмасди.

Таъкидлаш жоизки, заводда ишчилар сони ҳам ортиб борди. Агар 1911 йилда Люберци заводида 1100 ишчи ишлаган бўлса, 1912/13 молиявий йилида (1912 йил июлидан 1913 йил июнигача) - 1482 ишчи, 1913/14 йилда 1518 ишчи меҳнат қилди. Заводнинг барча цехлари ишга туширилгач, ишчилар сони 5 минг кишига кўтарилди тахмин қилинган эди.

1913 йил апрел ойида компания раҳбарияти Армавирда завод биноси ва омборхона қуриш бўйича шартнома имзолади ва ҳатто баъзи ишлар бошланганди; унинг режаларида Одессада уруш бошланиши сабабли қолдирилган завод биносини қуриш ҳам бор эди.

“Ўрим машиналарининг Россия халқаро компанияси” Кўчириш бошқармаси хорижий буюртмаларининг кўп қисмини бажарган.

1908-1912 йилларда Кўчириш бошқармаси томонидан 21,3 миллион рубл миқдорида сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникасидан чет элда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасининг нархи 8 миллион рублни ташкил этди. Ўрим машиналарининг халқаро компанияси Кўчириш бошқармасига ҳар йили 1,5-2 миллион рубл миқдorigа тенг машиналар етказиб берар эди [5, б.135].

Компания фаолиятида кўплаб илғор томонлар мавжуд эди; у ўз менежерларининг эътиборини кўргазмалар ва синовлар ташкил этишга қаратган, шу билан бирга Россияда у нафақат янги машиналарни, балки қишлоқ хўжалиги технологиясининг янги техника ва усуллари намоёниш этган.

Кадрлар масаласи доимий муаммо бўлиб қолаверди. Раҳбарият Россия учун у ёки бу даражадаги масъулиятли лавозимларга фақат АҚШдан кадрларни ёллашни афзал кўрди. Натижада, биринчидан, раҳбар кадрларнинг, айниқса заводда, доимий етишмаслиги мавжуд эди; иккинчидан, бу одамлар америкача ғоялар ва рус реаллиги ўртасидаги “воситачи” ролини муваффақиятли бажара олмасдилар.



**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:**

1. Carstensen F. American Enterprise in Foreign Markets. Studies of Singer and International Harvester in Imperial Russia. -Chapel Hill, L.: University of North Carolina Press, 1984.
2. Queen G.S. The McCormick Harvesting Machine Corporation in Russia // Russian Review. 1964. April. Vol. 23.
3. Зозуля О.А. Таможенное обложение и его влияние на машиностроение и земледелие на рубеже XIX-XX веков (по ранним работам Л.Б. Кафенгауза и Л.Н. Литошенко) // Лесной вестник. №4, 2003.
4. Иностранное предпринимательство и заграничные инвестиции в России: Очерки. - М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 1997.
5. Лебедев В.В. Русско-американские экономические отношения (1900-1917 гг.) –М: Международные отношения, 1964.
6. Литошенко А.Н. Таможенное обложение в России сельскохозяйственных машин и орудий и значение его для русского сельского хозяйства. –Харьков: Типо-лит. М.Х. Сергеева и К.М. Гальченка, 1910.
7. Устав Международной компании жатвенных машин в России. –СПб.: т-во Р. Голик и А.Вильборг,1911.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

**Контакт редакций научных журналов.** [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000